

2022 йил “26” сентябрь

Тошкент шаҳри

Патент асосида иш юритувчи УТТ “**JURAEV FOZIL FARHOD O‘G‘LI**” директори **Ф.Ф. Жураев** бир томондан (бундан буён матнда “Хизмат кўрсатувчи” деб юритилади) ҳамда **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси** аппарати номидан Низом асосида иш юритувчи **Хўжалик фаолияти бошқармаси бошлиғи Ё.Ж. Максудов** иккинчи томондан (бундан буён матнда “Буюртмачи” деб юритилади) куйидагилар ҳақида мазкур шартномани туздик:

### **I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ**

**1.1.** “Хизмат кўрсатувчи” ушбу Шартнома иловасида кўрсатилган тавсифга мувофиқ жалюзи тайёрлаб бериш ва ўрнатиш мажбуриятини олади, “Буюртмачи” ушбу хизматларни ва товарларни қабул қилиб олиш ҳамда ҳақини тўлаш мажбуриятини олади. Кўрсатиладиган хизматларнинг катъий турлари, миқдори ва баҳоси ушбу шартноманинг ажралмас қисми бўлган тавсифда келтирилади.

### **II. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

#### **2.1.** Буюртмачининг ҳуқуқлари:

Хизмат кўрсатувчидан техник шартларга лозим даражадаги хизматларни кўрсатишни талаб қилиш;

лозим даражадаги сифатда хизмат кўрсатилмаган тақдирда, ўз хоҳишига кўра куйидагиларни талаб қилиш:

камчиликларни бепул бартараф этиш ёки Буюртмачининг ёки учинчи шахснинг камчиликларни бартараф этишга доир харажатларини қоплаш;

баҳосини мутаносиб равишда пасайтириш;

шартнома шартларининг бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш.

#### **2.2.** “Буюртмачи”нинг мажбуриятлари:

ушбу Шартнома шартларига мувофиқ кўрсатилган хизматларни қабул қилиб олиш;

ушбу Шартноманинг 3.1 ва 3.2-бандларига мувофиқ кўрсатилган хизматлар учун тўловларни амалга ошириш.

#### **2.3.** “Хизмат кўрсатувчи”нинг ҳуқуқлари:

буюртмачидан амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда ва ҳажмда кўрсатилган хизматлар учун олдиндан тўлов ва якуний ҳисоб-китобларни амалга оширишни талаб қилиш;

буюртмачидан бажарилган ишни қабул қилишни асоссиз равишда рад этиш натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш;

#### **2.4.** “Хизмат кўрсатувчи”нинг мажбуриятлари:

ушбу шартномага мувофиқ ёки “Буюртмачи”нинг ушбу шартноманинг бандларида белгиланган тартибда у томонидан тақдим этилган техник топшириққа биноан хизматларни белгиланган муддат, миқдор ва сифатлар бўйича кўрсатиш;

агар хизмат кўрсатиш жараёнида “Хизмат кўрсатувчи” шартнома шартларидан ва техник шартлардан четга чиқса, Буюртмачининг талабига биноан уч кун ичида аниқланган барча камчиликларни бепул бартараф этиш.

### **III. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

**3.1.** Ушбу шартноманинг баҳоси **54 400 000,0** (эллик тўрт миллион тўрт юз минг) сўм, ҚҚСсиз.

Кўрсатиладиган хизматларнинг баҳоси ушбу шартноманинг иловасида кўрсатилади.

**3.2.** “Буюртмачи” тақдим этиладиган хизматнинг 30 фоизи миқдорида олдиндан тўловни амалга оширади ва маблағ “Хизмат кўрсатувчи”нинг ҳисобварағига келиб тушган санадан бошлаб ушбу шартноманинг мажбуриятлари бажарилиши бошланади.

Кўрсатилган хизматлар учун ҳисоб-китобнинг қолган қисми бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатнома имзоланганидан кейин уч иш куни ичида амалга оширилади.

**3.3.** Хизматлар бўйича ҳисоб-китоблар банк ўтказмаси орқали “Хизмат кўрсатувчи”нинг ҳисоб рақамига ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

#### **IV. ШАРТНОМАНИ БАЖАРИШ**

**4.1.** Шартнома шартлари ушбу шартнома ва қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқ белгиланган тартибда амалга оширилади.

Агар томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган бўлса, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

**4.2.** Шартномани бажаришдан бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

**4.3.** Шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши санаси ҳисобварақ-фактура тuzилган кун деб ҳисобланади.

Ғазначилик штампида кўрсатилган сана “Буюртмачи”нинг хизматлар учун тўловларни тўлаш бўйича мажбуриятларини бажарадиган кун ҳисобланади.

**4.4.** “Буюртмачи”нинг розилиги билан хизматлар муддатидан олдин тақдим этилиши мумкин.

**4.5.** “Буюртмачи” белгиланган муддатларни бузган ҳолда кўрсатилган хизматни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

**4.6.** Белгиланган миқдордан ортиқ битта номдаги хизматни кўрсатиш худди шу техник топшириққа киритилган бошқа номдаги хизматнинг камчиликларини тўлдириш деб ҳисобланмайди, камчиликлар тўлдирилиши лозим, “Буюртмачи”нинг олдиндан ёзма розилиги билан амалга ошириладиган ҳолатлар бундан мустасно.

**4.7.** Кўрсатилаётган хизмат тўғридан-тўғри “Буюртмачи”нинг масъул ходимлари томонидан тақдим этилаётган хизматлар ҳажми, уларнинг сифати кўрсатилган ҳисобварақ-фактура бўйича қабул қилинади.

Шартномада назарда тутилган хизматлар ушбу шартномага мувофиқ ёки ушбу шартномада белгиланган муддатларда ва ҳажмларда амалга оширилади.

Буюртма бевосита (қўлда), почта орқали ёки бошқа усул билан хизматларни кўрсатиш назарда тутилаётган сана бошланишидан беш кундан кечиктирмай тақдим этилади. Буюртма бевосита (қўлда) қабул қилганда, “Хизмат кўрсатувчи”нинг ходими “Буюртмачи”да қоладиган буюртма нусхасида қабул қилинганлиги тўғрисида белги қўяди.

**4.8.** Буюртмачи илгари берилган буюртмани бекор қилишга ёки хизматларнинг тегишли қисmini кўрсатиш санасини Хизмат кўрсатувчини буюртмада кўрсатилган санадан камида бир кун олдин хабар берган ҳолда ўзгартиришга ҳақли.

#### **V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

**5.1.** Тақдим этилаётган хизматларнинг сифати, миқдори, уларнинг баҳоси Хизмат кўрсатувчи томонидан нотўғри белгиланганлик ҳолати аниқланган тақдирда, Хизмат кўрсатувчи тақдим этилаётган хизматларнинг сифатини, шунингдек уларнинг миқдорини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб ишларини амалга оширади ва ушбу ҳисобланган суммага қўшимча равишда миқозга нотўғри ҳисобланган сумманинг 20% миқдориде жарима тўлайди.

**5.2.** Жарима ва пенядан ташқари, Хизмат кўрсатувчи Буюртмачига хизматларни тақдим этмаслик натижасида этказилган зарарни қоплайди.

**5.3.** Хизматлар кечиктирилган ёки кўрсатилмаган тақдирда, Хизмат кўрсатувчи Буюртмачига ҳар бир кечиктирилган кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдориде пеня тўлайди, аммо жариманинг умумий миқдори кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани тўғри бажаришдан ва хизматларни кечиктириш ёки кўрсатмаслик оқибатида этказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

**5.4.** Кўрсатилган хизматлар учун тўловни ўз вақтида тўламаган тақдирда, Буюртмачи Хизмат кўрсатувчига ҳар бир кечиктирилган кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдориде, лекин муддати ўтган тўлов миқдорининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

**5.5.** Буюртмачи шартноманинг тегишли шартини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгарликка тортилганда, тегишли ҳаракат (ҳаракатсизлик) натижасида

Буюртмачи томонидан шартнома шартлари бажарилмаганлиги (лозим даражада бажарилмаганлиги) юзасидан Хизмат кўрсатувчининг жавобгарлиги ҳам кўриб чиқилади.

Буюртмачининг Хизмат кўрсатувчи айби билан шартномани бажармаганлиги (лозим даражада бажарилмаганлиги) натижасида етказилган зарар, белгиланган тартибда Хизмат кўрсатувчи томонидан қопланади.

**5.6.** Томонларнинг ушбу шартномада кўзда тутилмаган жавобгарлик масалалари Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал қилинади.

## **VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ**

**6.1.** Томонлар ўртасида ушбу келишувдан келиб чиқадиган низолар томонлар ўртасида музокаралар йўли билан ҳал қилинади.

**6.2.** Томонлар ўртасидаги музокаралар йўли билан ҳал қилинмаган низолар қонунчиликда белгиланган тартибда судда ҳал қилинади.

## **VII. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ**

**7.1.** Агар ушбу шартнома тузилгандан сўнг, ушбу шартномада белгиланган мажбуриятларнинг бирон бир томонини тўлиқ ёки қисман тўғри бажаришига тўсқинлик қиладиган ҳолатлар юзага келса ва агар бундай ҳолатлар, яъни ёнғин, тошқин, зилзила, бошқа табиий офатлар, экспорт ёки импортга тўсиқлар ёки эмбарголар, уруш, жанговар ҳаракатлар, террористик ҳаракатлар, иш ташлашлар (томонлар ишчиларининг иш ташлашларидан ташқари), пандемия, амалдаги қонунчиликдаги ўзгаришлар, давлат органлари ва Ўзбекистон Республикаси Хукумати томонидан қабул қилинган умумий характердаги қарорлар томонларнинг шартнома шартларини бажаришига бевосита таъсир қилса, тегишли мажбуриятларнинг бажарилиши вақти бундай ҳолатлар бартараф этилган вақтга ёки уларнинг оқибатлари тугаши вақтига кўчирилади.

**7.2.** Форс-мажор ҳолатлари юзага келган Томон, ушбу ҳолат ҳақида шунингдек, ҳолатнинг тахминий давомийлиги тўғрисида бошқа Томонни ёзма равишда 7 (етти) кун ичида хабардор қилиши шарт. Агар юқорида кўрсатилган ҳолатлар тўғрисида ўз вақтида хабар берилмаган бўлса, енгиб бўлмас куч таъсирида зарар етказилган Томон ушбу ҳолатларни асос қилиб ололмайди.

**7.3.** Хабарномада кўрсатилган фактлар расмий манбалар томонидан берилган ҳужжатлар билан тасдиқланиши керак, шу жумладан, пресс-релизлар, бироқ улар билан чекланмаслик лозим. Бундай хабарноманинг йўқлиги, шунингдек тегишли далилларнинг йўқлиги ушбу томонни шартнома мажбуриятларини бажаришдан озод қилинишига асос сифатида юқоридаги ҳолатларни келтириш ҳуқуқидан маҳрум қилади.

**7.4.** Фавқулодда вазиятлар юзага келган тақдирда, томонлар зудлик билан ўзаро музокаралар олиб борадилар ва фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш ёки бартараф этиш мақсадида кўриладиган чоралар тўғрисида келишиб оладилар.

**7.5.** Агар форс-мажор ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари томонларнинг ўз мажбуриятларини бажаришига тўсқинлик қиладиган бўлса, томонларнинг ҳар бири бошқа томонга ушбу шартномани бекор қилишнинг кутилаётган санасидан 10 (ўн) иш куни олдин ёзма равишда хабар юборганидан кейин ушбу шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолда томонларнинг ҳеч бири бошқа томондан форс-мажор ҳолатлари натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли эмас. Шунингдек, Хизмат кўрсатувчи бажарилмаган мажбуриятлари учун Буюртмачидан олинган барча тўловларни Буюртмачига қайтаради ва Буюртмачи Хизмат кўрсатувчининг бажарилган барча мажбуриятларини тўлиқ тўлайди.

## **VIII. КОРРУПЦИЯ ҲОЛАТЛАРИНИ ОЛДИНИ ОЛИШ**

**8.1.** Ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Томонлар, уларнинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари ҳар қандай ноқонуний устунликларга ёки бошқа ноқонуний мақсадларга эришиш учун бевосита ёки билвосита пул маблағлари ёки қимматликларни тўлашни амалга оширмайди.

**8.2.** Ушбу Шартнома мажбуриятларини бажараётганда Томонлар, уларнинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари пора бериш/олиш, тижорий пора олиш, шунингдек амалдаги қонунчилик ва халқаро ҳужжатларнинг талабларини бузадиган ҳаракатларни амалга оширмайдилар. Жиноий йўл билан топилган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишга оид халқаро ҳужжатлар талабларини бузилиши каби ҳаракатларни амалга оширмайди.

**8.3.** Ушбу Шартнома Томонларининг ҳар бири бошқа Томоннинг ходимларини ҳар қандай тарзда рағбатлантиришдан, шу жумладан пул маблағлари, совғалар бериш, уларга иш (хизматлар)ни бепул бажариши ва ушбу бандда кўрсатилмаган бошқа усуллар билан ходимнинг рағбатлантирувчи томон фойдасига ҳар қандай ҳаракатларни содир этишдан бош тортади.

Ходимнинг уни рағбатлантирувчи томон фойдасига амалга оширган ҳаракатлари деганда куйидагилар тушунилади:

- бошқа контрагентлар билан таққослаганда асоссиз устунликларни тақдим этиш;
- ҳар қандай кафолатлар билан таъминлаш;
- амалдаги тартиб-таомилларни тезлаштириш;
- ходим томонидан ўз вазифалари доирасида амалга ошириладиган, аммо Томонлар ўртасидаги муносабатларнинг шаффофлиги ва очиклиги тамойилларига зид бўлган бошқа ҳаракатлар.

**8.4.** Агар Томонлардан бири мазкур шартномада келтирилган коррупцияга қарши курашиш шартларини бузган ёки бузиши мумкин деб гумон қилса, иккинчи Томонни ёзма равишда хабардор қилишга мажбур. Ёзма хабарномадан сўнг, тегишли Томон ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини бузилиш содир бўлмаганлиги ёки содир бўлмаслиги тасдиқлангунга қадар тўхтатиб туришга ҳақли. Ушбу тасдиқ ёзма хабарнома юборилган кундан бошлаб 5 (беш) иш куни ичида юборилиши керак.

**8.5.** Ёзма хабарномада Томон контрагент, унинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари томонидан ушбу шартлар ва қоидаларнинг бузилганлиги ёки бузилиши мумкинлигини ишончли тарзда тасдиқлайдиган ёки асослаши мумкин бўлган фактларга таяниши ёки тегишли материалларни тақдим этишга мажбур, яъни пора олиш/бериш, тижорий пора олиш, шунингдек амалдаги қонунчилик ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши кураш бўйича халқаро ҳужжатлар талабларини бузадиган ҳаракатлар асослантрилиши лозим.

**8.6.** Шартноманинг тарафлари коррупциянинг олдини олиш чораларини кўриш тартиб-таомилларини тан олади ва уларга риоя этилишини назорат қилади. Бунда Томонлар коррупциявий фаолият билан шуғулланиши мумкин бўлган контрагентлар билан ишбилармонлик муносабатлари хавфини минималлаштириш, шунингдек, коррупциянинг олдини олиш мақсадида бир-бирига ўзаро ёрдам бериш учун оқилона ҳаракатларни амалга оширадидлар. Шунингдек, Томонлар коррупциявий фаолиятга Томонларнинг иштироки хавфини олдини олиш мақсадида текширувлар ўтказиш тартиб-таомилларини амалга оширилишини таъминлайдилар.

**8.7.** Томонлар ўзларининг содир этилиши мумкин бўлган ноқонуний хатти-ҳаракатлари ва ушбу Шартноманинг коррупцияга қарши курашиш шартларининг бузилиши контрагентнинг ишончилиги рейтингини пасайтиришидан тортиб ушбу шартноманинг бекор қилинишигача бўлган ноҳуш оқибатларга олиб келиши мумкинлигини тан олади.

**8.8.** Томонлар махфийлик тамойилларига риоя қилган ҳолда ушбу Шартномани бажариш доирасида келтирилган фактлар бўйича тегишли тартиб-таомиллар амалга оширилишини ва амалий қийинчиликларни бартараф этиш ва юзага келиши мумкин бўлган низоли вазиятларнинг олдини олиш бўйича самарали чораларни қўллашни кафолатлайдилар.

**8.9.** Томонлар ушбу Шартноманинг коррупцияга қарши курашиш шартларини бажариш бўйича тўлиқ махфийликни, шунингдек, талаблар бузилганлиги фактлари тўғрисида хабар берган Томон учун ҳам, шунингдек, хабар берган Томоннинг ходимлари учун ҳам салбий оқибатлар келтирмаслигини кафолатлайдилар.

## **IX. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ**

**9.1.** Мазкур шартнома Томонлар имзолагандан ва Молия Вазирлиги Ҳазначилигидан рўйхатдан ўтган кундан бошлаб кучга киради ҳамда 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

**9.2.** Томонлар ўртасидаги муносабатлар ушбу шартноманинг барча шартлари бажарилганда ва ҳисоб-китоблар тўлиқ амалга оширилганда тугайди.

## **X. ЯҚУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР**

**10.1.** Ушбу Шартнома томонларнинг келишуви билан ёки Томонлардан бирининг талабига биноан, бошқа томон томонидан шартнома шартлари сезиларли даражада бузилган тақдирда суд томонидан бекор қилиниши мумкин.

10.2. Ушбу шартномага киритилган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар фақат ёзма равишда тузилган ва тарафларнинг тегишли ваколатли вакиллари томонидан имзоланган тақдирда амал қилади.

10.3. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусxada тузилди.

10.4. Ушбу шартнома, унга киритилган ўзгартиришлар (қўшимчалар) томонлар томонидан имзоланган пайтдан бошлаб оширилади.

## XI. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ИМЗОЛАРИ

“ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ”



“БҮЮРТМАЧИ”

“УТТ JO‘RAYEV FOZILJON FARHOD O‘G‘LI”

Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси аппарати

Тошкент шаҳар Олмазо тумани  
Абу Бакир 2 кўчаси 43-уй  
х/р 2021 8000 6053 6798 2001  
АТИБ “Ипотека Банк Олмазор филиали”  
МФО:00901 ИНН: 499 664 908  
Тел: +998998008582

Тошкент ш., Мустақиллик майдони, 5.  
Тел: (71) 239-81-20, факс: (71) 239-85-18  
Ш/хр: 400110860262667011202080001  
СТИР: 207258024 ИФУТ: 84111  
Молия вазирлиги Ғазначилиги  
Х/р: 23 402 000 300 100 001 010  
Тошкент ш. ХҚМ бош бошқармаси.  
ЎЗРМБ МФО: 00014 ғазна. СТИР: 201122919

Директор  
Ф.Ф. Юраев  
  


Бошқарма бошлиғи  
А.Ж. Мақсумов  
  


  
(Содиқов)

  
(Юсуф Дошеров)

  
(Касимов)

2022 йил 26 сентябрдаги  
26 -сонли шартномага  
илова


2022 йил 26 сентябрдаги 26 -сонли шартнома асосида  
кўрсатиладиган хизматлар  
**ТАВСИФИ**

№	Товар (иш, хизмат) лар номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Нархи	Сумма
1.	Жалюзи тайёрлаш ва ўрнатиш	кв.м	160	340 000,0	54 400 000,0
	<b>Жами:</b>				<b>54 400 000,0</b>

**“ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ”**

**“YTT JO'RAYEV FOZILJON FARHOD  
O'G'LI”**

Тошкент шаҳар Олмазо тумани  
Абу Бакир 2 кўчаси 43-уй  
х/р 2021 8000 6053 6798 2001  
АТИБ “Ипотека Банк Олмазор филиали”  
МФО:00901 ИНН: 499 664 908  
Тел: +998998008582



**“БУЮРТМАЧИ”**

**Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси аппарати**


Тошкент ш., Мустақиллик майдони, 5.  
Тел: (71) 239-81-20, факс: (71) 239-85-18  
Ш/хр: 400110860262667011202080001  
СТИР: 207258024 ИФУТ: 84111  
Молия вазирлиги Ғазначилиги  
Х/р: 23 402 000 300 100 001 010  
Тошкент ш. ХҚМ бош бошқармаси.  
ЎЗРМБ МФО: 00014 ғазна. СТИР: 201122919

Бошқарма бошлиғи



(Содиқов)

(Хасанов)



Yakka tartibdagi tadbirkor davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida  
(Yakka tartibdagi tadbirkor)

**GUVOHNOMA**

JO'RAYEV FOZILJON FARHOD O'G'LI ga

(Yakka tartibdagi tadbirkorning to'liq ism, familiyasi va otasining ismi)

berildi, unga nisbatan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reestriga yakka tartibdagi tadbirkor sifatida davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

01.04.2021

1367307

raqamli yozuv bilan ro'yxatga kiritiladi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil)

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

499664908

Pasport: Seriyasi: AB Raqami: 7526756 19.08.2017 y. sanada berilgan

АЛМАЗАРСКИЙ РУВД ГОРОДА ТАШКЕНТА

(Pasport bergan organning to'liq nomi)

Uy manzili: Toshkent shahri, Olmazor tumani, , ABU BAKIR 2 KO'CHA 43 UY

Amalga oshiriladigan faoliyat tur(lar)i: Oziq-ovqat va nooziq-ovqat tovarlari bilan chakana savdo qilish (qurilish materiallari, sement, shifer, yog'och va yog'och mahsulotlari, alkogolliva tamaki mahsulotlari, neft mahsulotlarining barcha turlari, qimmatbaho metallar va qimmatbaho toshlardan yasalgan buyumlar yoxud bunday materiallar qo'llanilgan buyumlar, audiovizual asarlar, fonogrammalar va EHM uchun yaratilgan dasturlar, yangi import avtomobillar, farmatsevtika tovarlarini sotish bundan mustasno)

Faoliyatni amalga oshirish manzili Toshkent shahri, Olmazor tumani, , FAROBIY 2 UY

Guvohnoma: Toshkent shahri, Olmazor tumani, DAVLAT XIZMATLARI tomonidan  
MARKAZI berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi)



Amal qilish sanasi:

Cheklanmagan

Amal qilish sanasi(Kun,oy,yil)



“Тасдиқлайман”  
Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси аппарати  
Хўжалик фаолияти  
бошқармаси бошлиғи

Ё.Ж. Максудов

Товар (иш, хизмат)лар хариди бўйича Харид комиссиясининг  
**МАЖЛИС БАЁННОМАСИ**

2022 йил “23” сентябрь

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси биносининг ҳалқаро даражадаги меҳмонларини қабул қилиш хоналарига жалюзи тайёрлаш ва ўрнатиш хизматларини харид қилишда энг яхши таклифларни танлаш учун ўтказилган мажлисда Харид комиссияси қуйидаги таркибда қатнашдилар:

- |                 |   |
|-----------------|---|
| 1. Ё. Максудов  | Хўжалик фаолияти бошқармаси бошлиғи,<br>комиссия раиси            |
| 2. А. Содиқов   | Моддий-техника таъминоти бўлими мудирини,<br>комиссия аъзоси      |
| 3. Ш. Хасанбаев | Молия-иқтисодиёт бўлими мудирини, комиссия аъзоси                 |
| 4. А. Зупаров   | Молия-иқтисодиёт бўлими мудирининг ўринбосари,<br>комиссия аъзоси |
| 5. Ж. Сайдалиев | Бош мутахассис, комиссия аъзоси                                   |
| 6. Х. Хусаинов  | Бош мутахассис, комиссия котиби                                   |

**КУН ТАРТИБИ:**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси биносининг ҳалқаро даражадаги меҳмонларини қабул қилиш хоналарига жалюзи тайёрлаш ва ўрнатиш хизмати юзасидан “Jo’rayev Foziljon Farhod o’g’li” ЯТТ ва “Boltayev Zohid Muxtor o’g’li” ЯТТ ташкилотлар томонидан юборилган электрон тижорат таклифларини ўрганиб чиқиш тўғрисида

Кун тартибидаги масала юзасидан комиссия аъзоси А.Содиқов ахборот берди.

Йиғилиш қатнашчиларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси биносининг ҳалқаро даражадаги меҳмонларини қабул қилиш хоналарига жалюзи тайёрлаш ва ўрнатиш хизматларини харид қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг бюджет маблағлари ҳисобидан [harid.uzex.uz](http://harid.uzex.uz) электрон платформаси “Энг яхши таклифларни танлаш” бўлимида 150704–сонли лот билан жойлаштирилган эълон бўйича ўз таклифларини тақдим этган корхоналарнинг электрон таклифлари асосида 2022 йил 21 сентябрда харид комиссияси аъзолари ўртасида электрон баённома тузилди.

Мазкур баённома муҳокамалар учун [etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz) сайти иштирокчилари эътиборида 2 кун (2022 йил 21-22 сентябрь кунлари) давомида турди ва ҳеч қандай эътирозлар бўлмади.

Харид комиссияси аъзоларида мазкур 150704–сонли лот иштирокчилари билан аффилиланганлик хусусиятига эга алоқалар мавжуд эмаслиги маълум бўлди.



Ушбу баённомага кўра “Баллик баҳолаш тизими” бўйича берилган эълонда талаб қилинган шартлар юзасидан энг юқори балл тўплаган “Jo’rayev Foziljon Farhod o’g’li” ЯТТ ғолиб деб топилди.

Юқоридагиларни инобатга олган холда комиссия қарор қилди:

1. “Jo’rayev Foziljon Farhod o’g’li” ЯТТ ва “Boltayev Zohid Muxtor o’g’li ” ЯТТ ташкилотларидан тушган электрон тижорат таклифлари эътиборга олинсин.

2. Танлаш ғолиби этиб “Jo’rayev Foziljon Farhod o’g’li” ЯТТ эълон қилинсин ва ушбу ташкилот билан жами **54 400 000,0** сўмга шартнома тузилиши мақуллансин ҳамда Молия вазирлиги Ғазначилигидан рўйхатдан ўтказилсин.


**Комиссия аъзолари:**

А. Содиқов



Моддий-техника таъминоти  
бўлими мудир

Ш. Хасанбаев



Молия-иқтисодиёт  
бўлими мудир

А. Зупаров



Молия-иқтисодиёт бўлими  
мудирининг ўринбосари

Ж. Сайдалиев



Бош мутахассис

Х. Хусайнов



Бош мутахассис

**Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 150704 на приобретение Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси биносининг ҳалқаро даражадаги меҳмонларини қабул қилиш хоналарига жалюзи тайёрлаш ва ўрнатиш хизмати**

Способ проведения электронный

Дата 21.09.2022

Время рассмотрения 21.09.2022 16:40

Закупочная комиссия Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	MAKSUDOV YORKIN JURAYEVICH	Комиссия раиси	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати
<b>Секретарь комиссии</b>	XUSAINOV XASAN BARATOVICH	Комиссия котиби	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати
<b>Член комиссии</b>	SAYDALIYEV JAMSHIDDIN ABDUGAPPAROVICH	Комиссия аъзоси	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
<b>Член комиссии</b>	ZUPAROV ABZALJON BATIRJONOVICH	Комиссия аъзоси	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати
<b>Член комиссии</b>	SADIKOV ABDULLO VASILOVICH	Комиссия аъзоси	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати
<b>Член комиссии</b>	XASANBAYEV SHOXRUXIDDIN FAXRUDDINOVICH	Комиссия аъзоси	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 21.09.2022 года № лота 150704.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 69.00 / Весовой коэф. ценовой части: 31.00)

Мин. балл: 30

Предмет закупки:

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Услуга по установке жалюзи</b>
Подробное описание	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси биносининг ҳалқаро даражадаги меҳмонларини қабул қилиш хоналарига жалюзи тайёрлаш ва ўрнатиш хизмати
Количество товара	160.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	350 000.00
Стартовая сумма	56 000 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 3-шаклда талаб этилган шартномалар сони ва суммаси бўйича бериладиган балл.(6 та шартнома

баҳоланади. Хар бирига максимум 6 баллгача берилади)

Тип: Текстовое значение

Описание: Иловадаги техник талаблар учун

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>YTT BOLTAYEV ZOHID MUXTOR O'G'LI</b>	36	36	36	Экспертная		
<b>YTT JO'RAYEV FOZILJON FARHOD O'G'LI</b>	36	36	36	Экспертная		

Критерий №2 Талаб этилган шаклларнинг тўлиқ топширганлиги (ҳар бир шаклга 1 баллдан берилади).

Тип: Текстовое значение

Описание: Иловадаги техник талаблар учун

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>YTT BOLTAYEV ZOHID MUXTOR O'G'LI</b>	7	7	4	Экспертная		
<b>YTT JO'RAYEV FOZILJON FARHOD O'G'LI</b>	7	7	5	Экспертная		

Критерий №3 7-шаклда келтирилган маҳсулотларнинг сифат даражаси. (Бу Буюртмачи томонидан ташкиллаштирилган комиссия аъзолари томонидан ўрганиб чиқилади, ҳар бир маҳсулот учун 0 баллдан 20 баллгача бериш орқали ҳисобланилади). Баллар ташкилот мутахассислари томонидан сифат ва талаб даражасига қараб берилади.

Тип: Текстовое значение

Описание: Иловадаги техник талаблар учун

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>YTT BOLTAYEV ZOHID MUXTOR O'G'LI</b>	20	20	15	Экспертная		
<b>YTT JO'RAYEV FOZILJON FARHOD O'G'LI</b>	20	20	19	Экспертная		

Критерий №4 5-бандда талаб этилган ҳужжатлар топширилиши (ҳар бирига 1,0 баллдан)

Тип: Текстовое значение

Описание: Иловадаги техник талаблар учун

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
YTT BOLTAYEV ZOHID MUXTOR O'G'LI	6	6	1	Экспертная		
YTT JO'RAYEV FOZILJON FARHOD O'G'LI	6	6	2	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
YTT JO'RAYEV FOZILJON FARHOD O'G'LI	56 000 000.00	54 400 000.00 UZS	54 400 000.00	00.00	54 400 000.00	21.09.2022 10:18:08	31
YTT BOLTAYEV ZOHID MUXTOR O'G'LI	56 000 000.00	55 280 000.00 UZS	55 280 000.00	00.00	55 280 000.00	21.09.2022 10:04:03	30.50651

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
YTT JO'RAYEV FOZILJON FARHOD O'G'LI	61.99995	31	92.99995
YTT BOLTAYEV ZOHID MUXTOR O'G'LI	55.99971	30.50651	86.50622

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 150704 от 21.09.2022 года на приобретение Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси биносининг ҳалқаро даражадаги меҳмонларини қабул қилиш хоналарига жалюзи тайёрлаш ва ўрнатиш хизмати определила победителем:

YTT JO'RAYEV FOZILJON FARHOD O'G'LI  
499664908

и резервный исполнитель: YTT BOLTAYEV ZOHID MUXTOR O'G'LI (537487429)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
<b>Председатель комиссии</b>	MAKSUDOV YORKIN JURAYEVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	SAYDALIYEV JAMSHIDDIN ABDUGAPPAROVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	ZUPAROV ABZALJON BATIRJONOVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	SADIKOV ABDULLO VASILOVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	XASANBAYEV SHOXRUXIDDIN FAXRUDDINOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП